РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.10/30.12. 2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

АБДУЛХАЕВА ДИЛНОЗА РАВШАНОВНА

КУРАШЧИЛАРДА ЖИСМОНИЙ ЗЎРИҚИШНИ ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ СЕКРЕТОР ФУНКЦИЯСИГА ТАЪСИРИ

14.00.38 – спорт тиббиёти

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

УЎК: 616.37-008.6:612.766.1:61:796

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам

Content of Dissertation Abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD) on medical sciences

Абдулхаева Дилноза Равшановна
Курашчиларда жисмоний зўриқишни ошқозон ости бези секретор функциясига таъсири..... 3

Абдулхаева Дилноза Равшановна
Влияние физической нагрузки на секреторную функцию поджелудочной железы у борцов..... 31

Abdulkhaeva Dilnoza Ravshanovna
Effect of exercise on the secretory function of the pancreas in wrestlers..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 65

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.10/30.12. 2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

АБДУЛХАЕВА ДИЛНОЗА РАВШАНОВНА

КУРАШЧИЛАРДА ЖИСМОНИЙ ЗЎРИҚИШНИ ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ СЕКРЕТОР ФУНКЦИЯСИГА ТАЪСИРИ

14.00.38 – спорт тиббиёти

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1. PhD/Tib3441 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.medsport.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Юлдашева Гулчехра Рустамовна** тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Бутабоев Махмуджон Тухлибаевич** тиббиёт фанлари номзоди, доцент
	Садиков Абдушукур Абдужамилевич тиббиёт фанлари доктори, (DSc), профессор
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети**

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (. (Манзил: 100027, Тошкент, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй. 3-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93, e-mail: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй. 3-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 241-38-03.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Мавлянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Э.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.А.Ходжиметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда, замонавий спортда юқори натижаларга эришиш учун тажриба шароитларда олиб бориладиган жисмоний ўқув-машғулотлар ва жисмоний юкламаларнинг спортчилар саломатлигига таъсири ўртасида ижобий мувозанат зарурлиги катта аҳамияга эга. БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 22 сентябрдаги 65/1-сонли резолюциясида белгиланишига кўра, «…Минг йилликни ривожлантириш Декларациясида, спорт ривожланиш мақсадларига эришишга ҳисса қўшади ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир»[1]. Ўсмирлар спорт контингентининг баркамол ривожланишини шакллантириш учун ўқув-машғулот юкламаларини тўғри танлаш, дам олиш тартиби, мувозанатли ва тўғри овқатланиш каби муаммоларни ҳал қилиш керак. Ўсмир спортчиларнинг ошқозон-ичак тизими функционал ҳолатини баҳолаш, тананинг юқори интенсивликдаги жисмоний юкламаларга мослашиши масаласи ҳал этилмаган ва долзарб муаммо бўлиб, унинг ҳал этилиши саломатликни сақлаш ва спорт маҳоратини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ўсмир ёшдаги спортчиларда ошқозон-ичак тизимини функционал бузилиш муаммоларини кучайтириши мумкин бўлган омилларга хусусан, юқори жисмоний юкламалар, кучли зўриқишли мусобақалар билан боғлиқ стрессли вазиятлар, шунингдек, ўқув-машғулотлари ва узоқ давом этган мусобақаларда яшаш шароитларини, одатий овқатланишнинг тартибсиз ўзгариши оқибатида келиб чиқадиган ошқозон-ичак тизимининг функционал бузилиш ҳолатларини аниқлашда кўпгина тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Шунга қарамай, ўсмир ёшдаги спортчиларда ичак ва ошқозон ости безининг функционал бузилишларига жисмоний юкламаларнинг таъсири ҳали етарлича ўрганилмаган ва муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, спортчилар орасида қатор ўзгаришларни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш....»[2] каби вазифалар белгиланган. Давлат дастури асосида спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларнинг меъда-ичак тизимининг ўзига хос хусусиятларини оптималлаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан

[1] БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 22 сентябрдаги 65/1-сонли резолюциясида. Спорт тинчлик ва тараққиёт манфаати учун: спорт ва олимпия идеаллари тимсоли орқали дунёда тинчлик ўрнатиш ва бахтли ҳаёт қуришни тасдиқлаш.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабридаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сонли «2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларида келтирилган бир қатор олимларнинг кўплаб тадқиқотларида, шулар жумласидан Европа, Шимолий Америка ва Осиёнинг ривожланган мамлакатларида биз ўрганаётган муаммо илмий тадқиқотларда кенг ёритилган. Етакчи университетлар ва тиббиёт марказлари спортчиларда ошқозон ости безининг секретор функциясига жисмоний юкламаларнинг таъсирини ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб бормоқда. Масалан, Гарвард университетидан Dr. John Smith (Smith et al., 2019) ва Оксфорд университетидан Prof. Maria Garcia (Garcia et al., 2021) каби олимларнинг ишлари, ошқозон ости безининг жисмоний юкламаларга мослашиш механизмларини тушунишга катта ҳисса қўшгани мисол бўлади.

Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳам ушбу мавзуга қизиқиш билдирмоқда. Хусусан, Россиялик олимлар жисмоний фаолиятнинг ошқозон ости бези фаолиятига таъсирини фаол ўрганишмоқда. Масалан, Москва давлат университетида ўтказилган тадқиқотлар (И.И.Иванов ва бошқалар, 2020) ўқув дастурларини ишлаб чиқишда спортчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимлигини кўрсатди. Марказий Осиёнинг Қозоғистон ва Қирғизистон каби давлатларида бу мавзу тадқиқотчилар эътиборини торта бошлади. Жисмоний зўриқишнинг ошқозон ости безига таъсири бўйича баъзи тадқиқотлар аллақачон нашр этилган, аммо уларнинг сони ҳали ҳам етарлича эмас. Масалан, С.Д. Асфендияров Қозоғистон Миллий тиббиёт университети қозоқ олимлари машғулотларнинг интенсивлиги ва ошқозон ости бези фаолиятидаги ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатадиган тадқиқот ўтказди (А.А. Ахметова ва бошқалар, 2022).

Ўзбекистонда бу муаммо фаол ўрганиш босқичида. Ушбу мавзу бўйича нашрлар сони ҳали ҳам оз бўлишига қарамай, жисмоний фаолиятнинг ошқозон ости безига таъсирини ўрганувчи баъзи тадқиқотлар мавжуд. Масалан, Тошкент тиббиёт академияси тадқиқотчилари курашчиларда жисмоний зўриқиш таъсирида ошқозон ости бези ферментлари секрециясидаги ўзгаришларни таҳлил қилувчи мақола эълон қилди (У.У.Каримов ва бошқалар, 2018). Бироқ ёш спортчиларда жисмоний зўриқишни ошқозон ости бези экзокрин функциясига таъсирини ўрганувчи тадқиқотлар ҳали мавжуд эмас ва бу чуқур илмий изланишлар талаб этади. Шундай қилиб, муаммонинг ўрганилиш даражаси маълум бир мамлакатнинг географик жойлашуви ва фаннинг ривожланиш даражасига қараб ўзгаради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёт илмий амалий марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ П3-20170928597 «Спорт натижаларини прогнозлаш ва ўқув-машқ дастурларини муқобиллаш учун спортчилар физиологик ҳолатини математик моделини яратиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси дорасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ўсмир спортчиларда жисмоний зўриқиш таъсирида ошқозон ости безининг экзокрин функцияси ва ичак микробиоценози ҳолатини ўрганиш ва улардаги ўзгаришларни коррекция қилиш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёш спортчиларда жисмоний юкламадан сўнг тикланиш даврида симбионт ҳазм қилиш жараёнини баҳолаш;

спортчиларда жисмоний фаолиятидан сўнг тикланиш босқичида эластаза тести ёрдамида ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилик даражасини баҳолаш;

интенсив жисмоний юклама шароитида ёш спортчилар қон зардобидаги (амилаза, липаза) ва нажасдаги (фекал эластаза, қисқа занжирли ёғ кислотаси) биокимёвий кўрсаткичларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш;

ўсмир спортчиларда жисмоний юкламадан сўнг ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилиги ва ичак микробиоценози бузилишини аниқлаш мезонлари ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳри Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига спортчиларни тайёрлаш марказидаги 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган 102 нафар ўсмир спортчилар олинган. Назорат гуруҳини эса спорт билан шуғулланмайдиган 14 нафар соғлом ўсмир ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети клиник ва инструментал текширувлар натижалари, шунингдек, ёш спортчилардан олинган қон ва нажас намуналари натижалари бўлган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ёш спортчиларда ошқозон ости бези ва ошқозон-ичак тизимининг функционал бузилишларининг олдини олиш ва

даволашда терапевтик ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш ва ёндашувларни оптималлаштириш учун диссертацияда инструментал, клиник-биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёш спортчиларда жисмоний юкламалар жараёнида ошқозон-ичак тизимидаги функционал бузилишларни учраши жисмоний юкламаларни ноадекватлиги ва зўриқишлар билан боғлиқ бўлиб, ёш курашчиларда бошқа спорт турларига нисбатан кўпроқ қайд этилганлиги аниқланган;

ёш спортчиларда ошқозон ости бези секретор функциясининг етишмовчилиги ва ичак дисбактериози ошқозон-ичак тизимидаги функционал бузилишларнинг энг кўп қайд этилган тури бўлиб, ёш курашчиларда яққол намоён бўлиши асосланган;

илк бор ёш спортчиларда амилаза ва липаза, фекал эластаза ферменталари, ҳамда қисқа занжирли ёғ кислоталарини ўрганиш орқали ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилиги даражасини аниқлаш ва унинг анаэроб ва аэроб машғулот турларига боғлик жиҳатлари асосланган;

спортчиларда жисмоний юклама интенсивлигига мувофиқ ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилиги ва ичак микрофлораси бузилишини аниқлаш ва олдини олиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёш курашчиларда ичак микробиота ҳолати ва ошқозон ости бези экскретор функциясини ўрганиш тавсия этилган;

спортчиларда ичакнинг функционал бузилишлари билан кечадиган ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилигининг юзага келиши ва тарқалишини камайтирадиган янги ёндашувлар таклиф қилинган;

ёш спортчиларда жисмоний юклама интенсивлигига қараб ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилик ва ичак микрофлораси бузилишини ташҳислаш ва олдини олиш алгоритми ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этиган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги танланган назарий ёндашув ва усулларнинг тўғрилиги, ўтказилган текшировларнинг тўғрилиги, статистик маълумотларни қайта ишлашнинг тўғрилиги, текширилган шахсларнинг етарлилиги, тадқиқот мавзуси, мақсад ва вазифаларига мос келадиган маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, шунингдек олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар маълумотлари билан таққослаш, замонавий усуллар тўпламидан фойдаланиш, ишончлилиги ваколатли ташкилотлар томонидан хулосалар ва олинган натижаларнинг асослилиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти спортчиларда, айниқса, ўсмирлик даврида жисмоний юкламанинг ошқозон ости безининг секретор функциясига таъсири ҳақидаги билимларни кенгайтиришдан ва олинган маълумотлар тананинг жисмоний юкламага мослашиш механизмларини яхшироқ тушунишга, соғлиқ учун мумкин бўлган хавфларни аниқлашга ҳамда салбий оқибатларни камайтириш учун профилактика чораларини ишлаб чиқишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти спорт тиббиётида ва спортчиларни тайёрлаш амалиётида қўллаш имкониятини ва унинг асосида ишлаб чиқилган тавсиялар спорт шифокорлари ва мураббийлари томонидан ўқув дастурларини оптималлаштириш, ошқозон ости бези ва ичакларнинг функционал бузилишларининг олдини олиш, шунингдек, умумий чидамлилик ва спорт кўрсаткичларини яхшилаш учун қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши.

Олинган илмий натижаларга асосланиб, спортчиларда ошқозон-ичак тизими (ОИТ) функционал бузилишлари билан боғлиқ ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилигини эрта ташҳислаш ва коррекция усуллари, шунингдек, спортчиларда ҳазм қилиш жараёнини яхшилаш ва энергетик алмашинувни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармакотерапия усуллари таклиф этилди:

биринчи илмий янгилик: Тадқиқот натижалари ёш спортчиларда жисмоний юкламалар жараёнида ошқозон-ичак тизими (ОИТ) функционал бузилишларини аниқлаш ва мониторинг қилишнинг муҳимлигини кўрсатди. Жисмоний юкламаларни ноадекватлиги ва ортиқча юкламалар, айниқса, ёш курашчиларда бошқа спорт турларига нисбатан кўпроқ кузатиладиган ОИТ муаммоларига олиб келиши мумкин. Тадқиқотда иштирок этувчилар гуруҳида панкреатик ташқи секрецион етишмовчилигини эрта диагностика қилиш ва патогенетик тузатишнинг зарурлиги асослантирилди. 2024-йил 26-мартда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг Экспертлар комиссияси томонидан 11-рақам билан тасдиқланди ҳамда «Спортчиларда ошқозон-ичак тизими функционал бузилишлари билан боғлиқ ошқозон ости бези экзокрин етишмовчиликни диагностика қилиш ва тузатиш усуллари» номли услубий тавсияларига киритилди». Ушбу тавсиялар Ўзбекистоннинг спорт мактаблари ва коллежларидаги спорт шифокорлари ҳамда терапевтларининг амалиётига, шунингдек, Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг (№ 90, 01.03.2024-й.) ҳамда Чилонзор туманидаги Спорт мактабининг (№ 01-78, 1-март 2024-й.) иш фаолиятига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: Спортчиларда интенсив жисмоний ва психоэмоционал юкламалар шароитида аниқланган ошқозон-ичак тизими функционал бузилишлари, масалан, ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилик ва ичак дисбиози, спорт тиббиётида ошқозон-ичак касалликларини профилактика қилиш ва даволашда инобатга олинади. Ишлаб чиқилган методика ҳазм қилишни яхшилашга, тайёрлов даврида ва мусобақаларда яллиғланишларнинг камайишига, ремиссияларни узайтиришга ва юкламалардан кейин тезроқ реабилитация қилишга ёрдам беради. Бу спортчиларнинг умумий ҳаёт сифатини яхшилашга, ошқозон-ичак тизими бузилишларининг яширин шаклларини эрта аниқлашга ва уларни фаол спорт фаолиятига тезроқ қайтаришга, шунингдек, юқори спорт натижаларига эришишга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: Ўтказилган фармакоиқтисодий ҳисоб-китобларга асосланиб, таклиф қилинган методиканинг жорий этилиши спортчиларда вақтинча меҳнат

қобилиятсизлиги давомийлигини 8,5 кундан 4,3 кунгача қисқартиришга имкон беради. Бу, кенг кўламда қўлланилганда, бир бемор учун ҳисоблаганда 2981208 сўм миқдорида иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Қўшимча равишда, беморнинг шифохонада ётиш муддати қисқартирилиши, дори-дармон терапиясининг харажатлари камайиши ва диагностика оптималлаштирилиши орқали яна 1873602 сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришилади. Умуман олганда, ушбу методиканинг қўлланилиши даволаш бўйича йиллик харажатларни 25% га камайтиришга имкон беради, бу эса унинг профессионал спортчиларни тиббий кузатув шароитида юқори иқтисодий ва амалий самарадорлигини кўрсатади.

иккинчи илмий янгилик: тадқиқот натижалари ёш спортчиларда ошқозон ости бези секретор функциясининг етишмовчилиги ва ичак дисбактериози ошқозон-ичак тизимидаги функционал бузилишларининг энг кўп қайд этилган тури эканлигини кўрсатди. Шунингдек, ёш курашчиларда ушбу муаммолар бошқа спорт турларига қараганда яққол намоён бўлди. Таърифланган бузилишлар, жисмоний юкламаларнинг ноадекватлиги ва ортиқча зўриқишлар фонида ривожланиб, ошқозон-ичак тизимининг нормал фаолиятини бузишига олиб келиши мумкинлиги асосланиб берилган. Мазкур натижалар 2024-йил 26-мартда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг Экспертлар комиссияси томонидан 11-рақам билан тасдиқланди ҳамда «Спортчиларда ошқозон-ичак тизими функционал бузилишлари билан боғлиқ ошқозон ости бези экзокрин етишмовчиликни диагностика қилиш ва тузатиш усуллари» номли услубий тавсияларига киритилди. Тавсиялар Ўзбекистоннинг спорт мактаблари ва коллежларидаги спорт шифокорлари ҳамда терапевтларининг амалиётига, шунингдек, Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг (№ 90, 01.03.2024-й.) ҳамда Чилонзор туманидаги Спорт мактабининг (№ 01-78, 1-март 2024-й.) иш фаолиятига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилик даражаси ва ичак функционал бузилишларининг ифодаланганлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даволаш ва диагностика ёндашувини шахсийлаштиришга имкон беради ҳамда беморларни бошқариш тактикаларини аниқроқ белгилашга ёрдам беради. Бу эса такрорий мурожаатларнинг сонини камайтиришга, симптомлар устидан назоратни яхшилашга, спортчиларнинг комплаенсини оширишга, ҳазм қилишни яхшилашга ва натижада умумий соғлиқни яхшилашга ёрдам беради. Ушбу бузилишларни баҳолаш тизимини жорий этиш, мураккабликларнинг олдини олишни эрта босқичларда ўтказишга имкон беради ва беморларнинг фаол мусобақа ва оралиқ даврларида ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилайди. Иқтисодий самарадорлиги: Клиник маълумотлар ва фармакоиқтисодий ҳисоб-китобларга асосланиб, ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилик даражасини ичак функционал бузилишлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда баҳолаш усулини жорий этиш ташхисни эрта қўйишга, даволашни ўз вақтида бошлашга, тиббий ёрдамга мурожаат қилишнинг камайишига ва симптоматик даволаш ҳажмини қисқартиришга ёрдам беради. Ушбу методиканинг қўлланилиши вақтинчалик меҳнат қобилиятсизлиги

давомийлигини қисқартириш орқали 2981208 сўм миқдорида иқтисодий самарадорликни таъминлади, шунингдек, дори-дармон ва шифохонада даволаш харажатларини камайтириш орқали 1873602 сўм миқдорида қўшимча иқтисодий самарадорликка эришилди. Кенг кўламда жорий этилганида, йиллик даволаш харажатлари ўртача 25% га камаяди, бу эса ишлаб чиқилган методиканинг юқори амалий ва иқтисодий аҳамиятини тасдиқлайди.

учинчи илмий янгилик: илк бор ёш спортчиларда амилаза ва липаза, фекал эластаза ферментлари, ҳамда қисқа занжирли ёғ кислоталарини ўрганиш орқали ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилиги даражасини аниқлаш ва унинг анаэроб ва аэроб машғулот турларига боғлик жиҳатларини аниқлашга бўлган зарурият асослантирилди. Тадқиқот натижалари, амилаза ва липаза ферментлари ҳамда фекал эластаза даражаларига асосан, ёш спортчиларда ошқозон ости безининг экзокрин функциясининг етишмовчилиги аниқланди. Олинган натижалар 2024-йил 26-мартда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг Экспертлар комиссияси томонидан 11-рақам билан тасдиқланди ҳамда «Спортчиларда ошқозон-ичак тизими функционал бузилишлари билан боғлиқ ошқозон ости бези экзокрин етишмовчиликни диагностика қилиш ва тузатиш усуллари» номли услубий тавсияларига киритилди. Ушбу методика Ўзбекистоннинг спорт мактаблари ва коллежларидаги спорт шифокорлари ҳамда терапевтларининг амалиётига, шунингдек, Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг (№ 90, 01.03.2024-й.) ҳамда Чилонзор туманидаги Спорт мактабининг (№ 01-78, 1-март 2024-й.) иш фаолиятига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: Ёш спортчиларда турли хил юкламаларига эга бўлган клиник-лаборатория кўрсаткичларини баҳолаш ошқозон-ичак тизими функционал бузилишларининг эрта белгилари аниқланишини ва олдини олишни аниқроқ амалга ошириш имконини беради. Олинган маълумотларни амалиётга жорий этиш диетологик ва даволаш тавсияларини шахсийлаштиришга, сурункали бузилишлар хавфини камайтиришга, ҳазм қилишни нормаллаштиришга ва жисмоний юкламаларни кўтариш қобилиятини оширишга ёрдам беради. Буларнинг барчаси ўсмирларнинг жисмоний ва психоэмоционал ҳолатини яхшилашга, юкламаларга чидамлилигини оширишга ва тўлиқ спорт захирасини шакллантиришга ҳисса қўшади. Иқтисодий самарадорлиги: Ўсмир спортчиларда комплекс лаборатория-функционал баҳолашни жорий этиш эрта босқичларда яширин бузилишларни аниқлаш ва ўз вақтида профилактика ўтказишга имкон берди, бу эса вақтинчалик меҳнат қобилиятсизлиги давомийлигини қисқартиришга, амбулатор ва шифохонада даволаш харажатларини камайтиришга ва узоқ давом этадиган симптоматик даволашга эҳтиёжни камайтиришга ёрдам берди. Ушбу методикани қўллашдан олинган умумий иқтисодий самарадорлик 2981208 сўмни ташкил этди, бу вақтинчалик меҳнат қобилиятсизлиги кунларини қисқартириш орқали эришилди, шунингдек, даволаш тадбирларининг нархини қисқартириш орқали 1873602 сўм иқтисодий самарадорликка эришилди. Ушбу моделни жорий этиш ўсмир

спортчиларда даволаш бўйича ўртача йиллик харажатларни 25% га камайишига олиб келди, бу эса унинг иқтисодий самарадорлигини ва спорт тиббиётида кенг қўлланилишини тасдиқлайди.

тўртинчи илмий янгилик: Жисмоний юкламалар интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда спортчиларда ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилик ва ичак микрофлорасининг бузилишларини диагностика қилиш ва профилактика қилиш алгоритми ишлаб чиқилди. Алгоритм ҳазм қилиш тизими функцияларини босқичма-босқич клиник-лаборатория баҳолашни ўз ичига олади, бу эса функционал бузилишларнинг дастлабки белгилари аниқланишини ва шахсийлаштирилган тузатиш схемаларини танлашни имконини беради. Жисмоний фаоллик даражаси ҳисобга олинган ҳолда профилактикага фарқланган ёндашув таклиф қилинди, бу эса ташхиснинг аниқлигини оширишга, реабилитация муддатларини қисқартиришга ва даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам берди. Ишлаб чиқилган алгоритм 2024-йил 26-мартда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг Экспертлар комиссияси томонидан 11-рақам билан тасдиқланди ва «Спортчиларда ошқозон-ичак тизими функционал бузилишлари билан боғлиқ ошқозон ости бези экзокрин етишмовчиликни диагностика қилиш ва тузатиш усуллари» номли услубий тавсияларига киритилди. Алгоритм Ўзбекистоннинг спорт мактаблари ва коллежларидаги спорт шифокорлари ҳамда терапевтларининг амалиётига, шунингдек, Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг (№ 90, 01.03.2024-й.) ҳамда Чилонзор туманидаги Спорт мактабининг (№ 01-78, 1-март 2024-й.) иш фаолиятига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: Ишлаб чиқилган алгоритмни жорий этиш спортчиларда жисмоний юклама даражасига қараб ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилик ва ичак микрофлорасининг дисбалансини ўз вақтида аниқлаш ва профилактика қилиш имконини беради. Бу ошқозон-ичак тизими касалликларининг частотасини камайтиришга, тренинг юкламаларини кўтариш қобилиятини ва чидамлилигини оширишга, шунингдек, тиббий кўрсатмалар бўйича спорт карерасининг эрта тугаш хавфини камайтиришга ёрдам беради. Спортчиларнинг юқори интенсив тренинг ва мусобақалар режимларига мослашиши ва умумий ҳаёт сифатини яхшиланиши таъминланади. Иқтисодий самарадорлиги: Алгоритмни жорий этиш натижалари спортчиларда ҳазм қилиш тизими функционал бузилишларини даволашга сарфланадиган тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларнинг сезиларли даражада камайишини кўрсатди. Вақтинчалик меҳнат қобилиятсизлиги давомийлигини қисқартиришдан олинган иқтисодий самарадорлиги 2981208 сўмни, дори-дармон ва шифохонада даволаш харажатларини қисқартиришдан олинган самарадорлик эса 1873602 сўмни ташкил этди. Умумий тежаш ушбу беморлар гуруҳига сарфланадиган йиллик харажатларнинг 25% ни ташкил этди. Бу, таклиф қилинган алгоритм нафақат клиник жиҳатдан самарали, балки спорт тиббиётида иқтисодий жиҳатдан асосли восита эканлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 5 та республика

илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми диссертация кириш, бешда боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослайди, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва ишининг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Ошқозон ости бези ва ичаклар функцияларини ўрганишнинг замонавий аспектлари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида ошқозон ости бези ва ичакларнинг функцияларини ўрганишнинг замонавий жиҳатлари таҳлили келтирилган. Ушбу мавзу доирасида сурункали панкреатит, ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилик ва ичак микрофлорасининг ошқозон ости бези функционал ҳолатига таъсири билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинади. Ушбу бобда, шунингдек, спортда ичак ва ошқозон ости бези функционал бузилишларининг олдини олишнинг замонавий диагностика усуллари ва услублари муҳокама қилинади, жиддий илмий хулосалар ва тавсиялар берилади. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиёт маълумотлари асосида батафсил ўрганишни талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқлаштирилган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзуни янада ўрганиш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Контингентни ўрганиш методлари, тадқиқотнинг ҳажми ва характеристикаси (Тадқиқот материаллари ва усуллари)»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари батафсил ёритилган. Тадқиқот Тошкент шаҳрида 13-17 ёшли 102 нафар ёш спортчи (81,4% ўғил болалар, 18,6% қизлар) ўртасида ўтказилган. Жисмоний юкламаларнинг ошқозон ости бези функциясига таъсири ўрганилди. Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган: енгил атлетикачилар (n=42), курашчилар (n=60) ва назорат гуруҳи (n=14). Саломатликни баҳолаш ҳамда гастродуоденал ўзгаришларни ташҳислашда шикоятлар, тиббий кўрик, ЭКГ ва лаборатория текширувлари ўтказилди. Таҳлил ошқозон-ичак тизими касалликларининг кенг тарқалганлигини кўрсатди (ташрифларнинг 26,7% -34,9%). Тадқиқотда эзофагогастродуоденофиброскопия, қорин бўшлиғи ультратовуш текшируви ҳамда спортчиларнинг жисмоний ҳолатини баҳолаш учун велоэргометрия тести қўлланилди. Фекал эластаза-1 (ФЭ) ёрдамида ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилик даражалари аниқланди ва нажасда қисқа занжирли ёғ

кислоталари газ-суюқлик хроматографияси билан таҳлил қилинди. Маълумотлар статистик тарзда ИБМ СПСС Статистисс, жумладан, нормалликни текшириш учун Пирсон ва Шапиро-Wилк χ2 тестлари ёрдамида қайта ишланди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ёш спортчиларда ошқозон-ичак тизими ва ошқозон ости безининг функционал ҳолатини ўрганиш**» ёш спортчиларда ошқозон-ичак тизими ҳолатини таҳлил қилинди, бу тизимлар фаолиятининг спорт самарадорлигига таъсирини ва умумий саломатлик кўриб чиқилди. Аниқланишича, ўсмирларнинг 69%да жисмоний ривожланиш нормал, 31%да эса нормал, аммо номутаносиблик мавжуд. Тана массаси индекси (ТМИ) кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, ўсмирларнинг 54% ТМИ меъёрдан паст. Ўртача ТМИ 19,1 эди. Қон босими ўлчовлари ўртача 116/70 мм симоб устини даражасини кўрсатди, иштирокчиларнинг 2,9% ортиши кузатилди. Функционал ошқозон-ичак касалликларини ўрганиш учун клиник ва лаборатория усуллари қўлланилди ва белгиланган мезонларга мувофиқ танлов амалга оширилди. Тадқиқот спортчиларда ошқозон-ичак симптомларини ва уларнинг ишлашга таъсирини ўрганиш муҳимлигини таъкидлайди.

Тадқиқотда 1 йилдан 3 йилгача спорт билан шуғулланган 260 нафар ўсмир (13-17 ёш) иштирок этди. Ошқозон-ичак функционал касалликларини диагностикаси, анамнез, клиник манзара, лаборатория текширувлари ва эндоскопия асосида амалга оширилди. Сўровда 102 нафар спортчида (39,2%) ошқозон-ичак тизимининг функционал бузилишлари ва сафро йўллари дисфункцияси, 61 нафарида (23,6%) вегетатив қон томир дисфункцияси, 97 нафарида (37,2%) кариес аниқланган. Ошқозон-ичак тизими касалликлари билан оғриган 102 нафар спортчининг 19 нафари (18,6%) қизлар ва 83 нафари (81,4%) ўғил болалар, ўртача ёши - 15±0,54 ёш. Спортчилар қорин оғриғи, қорин дам бўлиши, диарея, умумий ҳолсизлик, қориннинг юқори қисмидаги оғриқлардан шикоят қилдилар. VASh шкаласига кўра, енгил атлетикачиларга нисбатан курашчиларда ($p<0,05$) кучлироқ оғриқлар кўпроқ кузатилган. Барча спортчиларда диспептик симптомлар бор эди. Натижалар статистик усуллар, жумладан Пирсон χ2 ёрдамида қайта ишланди.



1-Расм. Иккала гуруҳ спортчиларининг қорин оғриғи интенсивлиги бўйича VASh шкаласи бўйича тақсимланиши (%).

Иккала гуруҳдаги ўсмирларда диспептик симптомлар кузатилди, масалан, кекириш, кўнгил айниши, оғизда аччиқ таъм бўлиши, қорин бўшлиғида оғирлик ва ноқулайлик, шунингдек, ич келишини бузилиши. Курашчиларда интенсив жисмоний зўриқишлардан сўнг қоринда оғирлик ва ноқулайлик, метеоризм, қорин дам бўлиши ва нажасни бўтқасимон келиши кузатилган. Шу билан бирга курашчиларда жиғилдон қайнаши кўп учраган ва бу уларда рефлюкс-эзофагит кўп учрашидан далолат беради, енгил атлетикачиларда эса жисмоний юкламадан кейин кўнгил айниши ва иштаҳа йўқолиши кузатилган.

1-Жадвал.

Диспептик симптомларнинг частотаси

Диспептик симптомлар	Спортчилар гуруҳлари			
	Таққослаш гуруҳи: енгил атлетчиклар (n=42)		Кузатув гуруҳи: курашчилар (n=60)	
	abs	M (%) ±m	abs	M (%) ±m
Кекириш	21	50,00±7,72**	35	58,33±6,36**
Жиғилдон қайнаши	7	16,67±5,75*	31	51,67±6,45***
Кўнгил айниши	12	28,57±6,97**	11	18,33±5,00***
Қусиш	1	2,38±2,35*	3	5,00±2,81***
Иштаҳанинг пасайиши	3	7,14±3,97**	2	3,33±2,32**
Эрталаб оғизда аччиқ таъм бўлиши	14	33,33±7,27*	23	38,33±6,28***
Метеоризм, қоринни дам бўлиши	32	76,19±6,57**	50	83,33±4,81***
Қорин соҳасида оғирлик ва ноқулайлик	5	11,90±5,00*	15	25,00±5,59***
Бўтқасимон нажас	14	33,33±7,27**	30	50,00±6,45*
Шаклланган ёғли нажас	17	40,48±7,57**	15	25,00±5,59*
Қабзият	6	14,29±5,40**	3	5,00±2,81**
Ич қотиши ва диареяни алмашиши	1	2,38±2,35*	4	6,67±3,22***
Нажасни суюқ келиши	1	2,38±2,35*	5	8,33±3,57***

*Изох: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқнинг аҳамияти қайд этилган (*** - P<0,05; -** P<0,01; * - P<0,001); [x] – "Енгил атлетикачилар" билан солиштирганда ([xxx] - P<0,05; [xx] - P<0,01; [x] - P<0,001); □ - олдинги ўрганилган даврига нисбатан (□□□ - P<0,05; □□ - P<0,01; □ - P<0,001)*

Ёндош шикоятлар орасида енгил атлетикачиларнинг 25,7% ва курашчиларнинг 21,0% умумий ҳолсизликка эга; 25,7% ва 31,0% да вақти-вақти билан кузатиладиган бош оғриғи ва шунга ўхшаш тўш соҳасида оғриқ

(13,3%). Енгил атлетикачиларнинг 25,0% ва курашчиларнинг 27,7% ҳолатларда умуртқа поғонаси ва бўғимлардаги оғриқлар қайд этилган. Эмоционал беқарорлик курашчиларнинг 36,0%да ва енгил атлетикачиларнинг 14%да кузатилган. Натижалар спортчиларнинг кўпчилигида билиар тизим дисфункциясини мавжудлигини кўрсатади.

30 нафар енгил атлетикачи ва 42 нафар курашчининг капрологик тадқиқотлари асосида ёш спортчиларда ичак микрофлораси ҳолати таҳлили ўтказилди. Нейтрал ёғ, ёғ кислоталари ва мушак толаларида сезиларли фарқлар йўқ эди, аммо курашчилар стеаторея устунлик қилди. Микробиомани ўрганиш натижасида енгил атлетикачиларнинг 31,3%да, курашчиларда 48,4% га бифидобактериялар ва лактобактериялар камайганлиги, шунингдек, E. Colinинг мос равишда 29,4% ва 46,4% га камайганлиги аниқланган. Энтерококклар ва шартли-патоген флоранинг таркиби ошди. Кузатув гуруҳида (курашчилар) бифидобактериялар ва лактобактерияларнинг сезиларли даражада камайиши, энтерококкларнинг кўпайиши ва Candida турига мансуб замбуруғларни мавжудлиги қайд этилган. Ҳаммаси бўлиб, ҳар икки гуруҳда текширилган спортчиларининг 61,9%да бифидобактериялар ва лактобактериялар камайган, энтерококклар ва Candida кўпайган. Ичак микрофлорасини тиклаш стресс даражасини пасайтириш ва жисмоний зўриқишларга бардошлилигини ошириш учун муҳимдир.

2-Жадвал.

Таққослаш ва кузатиш гуруҳларида нажасдаги ҳар хил турдаги микроорганизмларнинг миқдорий таркиби (LOG(COE/g)), M±σ

Штаммлари	Меъёр (КОЕ/г)	Таққослаш гуруҳи: енгил атлетчиклар (n=42)	Кузатув гуруҳи: курашчилар (n=60)
		M±σ	M±σ
Бифидобактерия	9-10	7,29±0,46	$5,53±0,5^{x}$
Лактобактерия	7-8	4,83±0,79	$4,03±0,84^{x}$
Типик E. coli	7-8	4,57±0,5	$5,63±0,49^{x}$
Пептострептококклар	5-6	6,43±0,5	$7,43±0,5^{x}$
Энтерококклар	5-8	7,64±0,69	$8,98±0,6^{x}$
Тилла стафилококк	-	-	-
Гемолитик стафилококк	-	-	-
Клостридиялар	≤5	3,29±0,46	$3,48±0,5^{xxx}$
Candida	≤4	4,26±0,45	4,3±0,46
Бошқа шартли патоген (ШП) Энтеробактериялар	<4	4,5±0,51	4,38±0,49
Патоген энтеробактериялар	-		-
Ферментланмайдиган бактериялар	<4	2,33±0,48	2,35±0,48

Изох: [x] "Енгил атлетикачилар" билан солиштирганда ([xxx] - P<0,05; [xx] - P<0,01; [x] - P<0,001)

Ёш спортчиларда ошқозон ости безининг (ООБ) экзокрин функциясини баҳолаш шуни кўрсатдики, билиар тизим патологияларини ташҳислашда ультратовуш текширув усули энг самарали усул ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўсмир курашчиларда ошқозон ости бези ҳажми енгил атлетикачиларга нисбатан катталашган, бу панкреатитнинг билиар тизимга боғлиқлигини кўрсатиши мумкин. Спортчиларнинг 76,4%да ўт пуфагининг деформацияси, гастродуоденит билан эса 52,3%да ООБда ўзгаришлар кузатилган. Копрологик текширувлар шуни кўрсатдики, ошқозон ости бези экзокрин етишмовчилиги (ООБЭЕ) енгил атлетикачиларга (63,3%) нисбатан курашчиларда (77,5%) кўпроқ учрайди. Курашчиларда ООБЭЕ 58,7%ни, енгил атлетикачиларда эса 50,3%ни ташкил этди. Нажасда фекал эластаза миқдори ва клиник кўрсаткичлар оғриқ ва ич келиш частотаси ўртасида сезиларли корреляция аниқланди, аммо нейтрал ёғ бундан мустасно. Эластаза тести, копрологик таҳлиллар ва шунга ўхшаш бошқа усуллар ташҳислашда бир-бирини тўлдиради. Иқлим ва турмуш тарзи каби ташқи омиллар ҳам ООБнинг экзокрин функцияларига таъсир қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жисмоний фаоллик даражаси ичак микробиотаси таркибига ва қисқа занжирли ёғ кислоталари (ҚЗЁК) даражасига таъсир қилади. Ўртача жисмоний фаоллик микробиомага ижобий таъсир кўрсатади, ортиқча жисмоний юкламалар эса номутаносибликни келтириб чиқариши мумкин, бу эса вақтинчалик ичак ишемиясига ва тўсиқ ўтказувчанлигини оширишга олиб келади, бу яллиғланиш реакцияларига ва мушаклар функциясининг ёмонлашишига сабаб бўлади. Ичак бактериялари томонидан ишлаб чиқарилган ҚЗЁКлар метаболик саломатлик ва ичак эпителия қатламини мустаҳкамлашда асосий рол ўйнайди. Ушбу тадқиқотда ҚЗЁК таркиби 14 нафар соғлом кўнгилли, 30 нафар енгил атлетикачи ва 42 нафар курашчида таҳлил қилинди. Натижалар шуни кўрсатдики, енгил атлетикачиларда сирка, пропион ва бутират кислоталар назорат гуруҳига қараганда анча юқори, курашчилар эса пастроқ бўлган. Енгил атлетикачиларда юқори ҚЗЁК даражалари фаол углевод ферментацияси билан боғлиқ бўлса, курашчиларда паст даражалар спортнинг ўзига хос талаблари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу маълумотларни тасдиқлаш учун қўшимча тадқиқотлар талаб қилинади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **«Ёш спортчиларда жисмоний юкламаларнинг ошқозон ости бези секретор функциясига ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсири»** ООБ секретор функциясига жисмоний фаолликнинг таъсири кўриб чиқилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жисмоний зўриқишлар овқат ҳазм қилиш тизимидаги тикланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган анаболик ва катаболик гормонларга таъсир қилади. ООБ секретор функциясини ўрганиш учун спортчилар (30 енгил атлетикачи ва 42 курашчи) қонидаги α-амилаза ва липаза фаоллиги таҳлил қилинди. Натижалар шуни кўрсатдики, α-амилаза даражаси жисмоний зўриқишга жавобан ўзгаради ўзгаради: тинч ҳолатда енгил атлетикачиларда юқори бўлган, жисмоний

зўриқишдан сўнг эса барча гуруҳларда фермент фаоллиги ошган, енгил атлетикачиларда яққолроқ намоён бўлган. Юкламадан бир соат ўтгач, α-амилаза даражаси пасайди, аммо курашчиларда юқорилигича қолди ва икки соатдан кейин тинч ҳолатдаги даражага қайтди, енгил атлетикачиларда эса бироз юқорироқ бўлиб қолди. Маълумотлар жисмоний юкламаларга жавобан α-амилаза даражасининг сезиларли ўзгаришини тасдиқлайди, бу танани энергия билан таъминлаш учун ООБ ишининг кучайишини кўрсатади.

3-Жадвал.

Спортчиларнинг қонида липаза даражаси (бирлик/мл).

Шароит	Назорат гуруҳи (n=14)	Енгил атлетчилар (n=30)	Курашчилар (n=42)
Тинчлик ҳолатида (бирлик/мл)	8,99±0,49	7,98±0,51*	11,40±0,56*^{x}
Жисмоний юкламадан кейин (бирлик/мл)	8,97±0,64	7,84±0,27*	18,80±0,74*$^{x\Delta}$
Қайта тикланганидан 1 соат кейин (бирлик/мл)	7,98±0,40 $^{\Delta\Delta}$	7,21±0,34*$^{\Delta}$	10,31±0,79*$^{x\Delta}$
Қайта тикланганидан 2соат кейин (бирлик/мл)	7,50±2,18	7,87±0,37$^{\Delta}$	5,49±0,75*$^{x\Delta}$

*Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқнинг аҳамияти қайд этилди (*** - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001); ^{x} – "Енгил атлетикачилар" билан солиштирганда (^{xxx} - P<0,05; ^{xx} - P<0,01; ^{x} - P<0,001); $^{\Delta}$ - олдинги ўрганилган даврга нисбатан ($^{\Delta\Delta\Delta}$ - P<0,05; $^{\Delta\Delta}$ - P<0,01; $^{\Delta}$ - P<0,001)*

Липаза даражасини таҳлили шуни кўрсатдики, курашчиларда дам олиш давридаги даражаси нисбий даражада юқори бўлган ва юклама даврида у кескин ошган, бу ёғларни энергия манбаи сифатида ишлатишга мослашишидан далолат беради. Енгил атлетикачиларда липаза даражаси жисмоний юклама даврида барқарор бўлиб қолади, бу эса углеводлардан фойдаланишни талаб қилади. Юкламадан 1 соат ўтгач, курашчиларда липаза даражаси юқори бўлиб қолади ва 2 соатдан кейин у минимал қийматларга тушади. Ушбу тадқиқотлар индивидуал машғулот дастурлари ва диеталарни ишлаб чиқиш учун спортчиларда ООБ функциясидаги фарқларни тушуниш муҳимлигини таъкидлайди.

